

ЧЕКСИЗ ИФТИХОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Улуг шоир асарларида осуда ҳаёт, тинчлик-хотиржамлик орзу қилинган. Шукри, биз бугун ана шундай фаровон турмушдан баҳрамандмиз. Ёшларимиз ул зотнинг асарларидаги қаҳрамонлар каби эзгулик сари бел боғлаб, юрт равнақиға ҳисса қўшишга чоғланмоқдалар. Бунини шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида буюқ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиғига бағишлаб ўтказилаётган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Алишер Навоий но-

мадида Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли ва зирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, ма-

ҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, навоийшунос Олимжон Давлатов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолиғида буюқ аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилар-ётган эзгу саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этдилар.

Таъкидланганидек, Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик гояларини санъаткорона таранум этган буюқ ижодкор, туркий халқлар тили ва адабиётини жаҳон миқёсига кўтариб чиқа олган бетакрор адибдир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг энг ёрқин сиймолари қаторидан муносиб

ўрин олган. Улуг шоир Фузулий Алишер Навоий ижодиға юксак баҳо бериб, уни «Султони сало-тидин шӯаро» деб атаган. Заҳи-ридин Муҳаммад Бобурнинг: «Алишербек назари йўқ киши эрди. Туркий тил била то шәр айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳў айтқон эмас», деб Навоийни улуғлагани бежиз эмас. Зеро, Навоийнинг бой мероси инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамоҳанг-дир. Ўлмас сўз-ўғитлари ҳануз башариятни эзгу ишларға унда-моқда. Чунончи, ҳрзирги глобал-лашув даврида ул зотнинг инсо-ний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улғу-ланган асарлари ҳар қанчондан ҳам долзарблик касб этаётир. Шу боис буюқ шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг қўллаб тилларига таржима қили-ниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан қатъ қизиқиш билан ўрганилаяпти.

Тадбирда Тошкент давлат шарқшунослик институти талаба-лари чет эллик олимларнинг Алишер Навоий ҳақидаги эъти-рофларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқиб бердилар. Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев ижро-сида шоир ғазаллариға басталан-ган кўшиқлар ижро этилди. Ёзув-

чилар уюшмаси аъзоси, шоир Шодмонқул Салом Навоий даҳо-си улуғланган шәр ўқиди. Навоий ижодида ҳаётга муҳаб-бат инсоннинг ирқидан, милла-тидан ва диний мансублиғидан қатъи назар, унинг кадр-қимма-тини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу гоялар билан сўғорилган. Айниқса, ҳазратнинг ушбу ўғити инсоният тарихининг барча даврлари учун аҳамиятлидир.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Иштирокчилар Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира ҳамда «Туркистон» санъат саройида «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

Мақсуд ЖОНИКОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навабатдаги чақируви ҳамда белгиланган ҳизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, Андижон вилояти мудофиа ишлари бошқармаси йилнинг якунида йилгитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Нукусда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш самардорлигини оширишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда ёш кадрларни тайёрлашда қишлоқ хўжалиғига ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида сўз борди.

● Наманган вилояти онкология диспансери мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда амалга оширилган реконструкция тадбирлари учун 3 миллиард 260 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Натияжада 140 ўринли шифонада даволаш ишлари самардорлигини янада юқори поғонага кўтаришнинг янги имкониятлари юзага келди.

● Давлат тест маркази 2014/2015 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичи бўйича қабул тест сновлари учун саволлар тузишда фойдаланиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхати (таълим тиллари кесимида) ни расмий сайти (www.dtm.uz)да эълон қилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари ҳабарлари асосида тайёрланди.

Энг фаол банклар рағбатлантирилди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Тижорат банклари ўртасида ўтказилаётган кўриқ-танлов эса аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида уларни қўшимча рағбатлантириш ва соҳада тўпланган илгор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим омил бўлаётир. Зотан, тадбирдан кўзланган мақсад ҳам банкларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг ресурс базаларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, омонатларни жалб этишда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан аҳолига миллий ҳамда хорижий валютада 250 дан ортиқ омонат турлари таклиф этилмоқда. Эътиборли жиҳати, жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварақларига қўйиладиган маблағларига барча турдаги солиқлардан озод қилинган бўлиб, уларнинг манбалари декларация қилинмайти ҳамда ушбу маблағларни омонат-чилик чекловларсиз тасаруф этилдилар. Шунингдек, омонатларнинг тўла ҳажмида

қоплаб берилиши кафолатланган. Буларнинг барчаси банк тизимининг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, хусусан, биргина 2014 йилда тижорат банкларида аҳоли омонатларининг ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 30,8 фоиз осиди.

Утган йил якунига бўйича танлов гоили ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Марказий банк, Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Таълим қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимини изчил ислох қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг банк хизматлари тўғрисида хабардорлигини оширишга доир вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур кўриқ-танлов муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Пировадида

аҳолининг банкларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Танлов ташкилотчиларининг айтишича, иштирокчилар сафи йил сайин кенгайиб борааяпти. Бу сафар унда 26 та тижорат банкининг 846 та филиали, 4 200 та минибанки ҳамда махсус кассалари қатнашди.

Яқуний натижаларга кўра, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» деб топилди. «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида эса «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хоразм вилояти Хонқа филиали гоили бўлди. «Пластик картчалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» деган номга «Ипотека-банк»нинг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси лойиҳа кўрилди. «Шаҳарларда аҳоли омонат-

ларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки» номинациясида «Микро-кредитбанк»нинг Келес филиали «Чоштена» минибанки «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки» номинациясида эса «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали «Бойсу» минибанки гоили деб эътироф этилди. Шунингдек, «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси» номинациясида «Трастбанк»нинг Амалиёт бошқармасига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси, «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси» номинациясида Халқ банкининг Жиззах вилояти Зомин филиалига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси эътироф этилди.

Бундан ташқари, ўн битта қўшимча номинация бўйича совриндорлар аниқланиб, улар диплом ҳамда қимматбанд совғалар билан тақдирланди.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Гиламдўзлик — қадимий ҳунар турларидан бири. Айниқса, у халқимиз ўртасида кенг оммаланиб, амалий санъат даражасига кўтарилган. Шу боис ҳунармандларимиз қўлида сайқал тоған гиламлар асрлар оша ўзининг ёрқин жилоси, бетакрор нақшлари ҳамда юқори сифати билан дунё аҳлининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Кувонари жиҳати, эндиликда ана шундай ранг-ранг маҳсулотлар замонавий технологиялар ҳамда мукамал дизайн асосида ишлаб чиқарилаяпти. Бу эса мамлакатимизда гиламдўзлик саноати жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Жиззах шаҳридаги «Евроазия карпет» кўшма корхонаси фаолияти билан танишиб, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган гилам ва гилам маҳсулотлари дунёнинг

қатор мамлакатларига экспорт қилинаётир. — 2005 йилда фаолият бошлагандик, — дейди кўшма корхона раҳбари ўринбосари Шерзод Салимов. — Ушунда маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган ҳам ашё хориждан келтириллар эди. Бу эса валюта сарфи ҳамда ортиқча овозгарчиликларга сабаб бўларди. Шу боис кенг миқёсда модернизациялаш ишларини амалга оширишга киришдик. Европанинг етакчи компа-

нияларидан энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар келтирилди. Шу тариқа ўзимизда полипропилен ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кўп ўтмай импорт ҳажми кескин камайиши хисобига даромадимизга даромад қўшилди.

Эътиборлиси, кўшма корхонанинг янгиликка интилувчан жамоаси бу муваффақиятлар билан қекланиб қолаётгани йўқ. Мутаассадлар Маҳаллийлаштириш дастурида кўзда тутилган

солиқ ва боғхона тўловларидаги имтиёз ҳамда энгилликлардан фойдаланиб, қатта миқдордаги маблағни тежаб қолишга эришдилар. Ўз навбатида, ушбу сармоя Бельгиядан гилам тўқиш дастгоҳлари харид қилишга йўналтирилди. Натияжада 30 га яқин иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш самардорлиги 50 фоиз осиди. Бинобарин, биргина ўтган йилнинг ўзида 1 миллион 25 миң квадрат метр ҳажмдаги гилам ва гилам

Тоғириддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маълумки, депутатлар груҳи томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»-ги Қонун 2013 йилнинг декабрь ойида қабул қилинди. Шу асосда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунлар ҳамда давлат дастурлари, шунингдек, экологик бекор ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисо-

ришимиз, экология тизимидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, хориж мамлакатлари жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамда манфаатли муносабатларни ўрнатиш ҳам фаолиятимиздаги устувор йўналишлардан ҳисобланади. Бинобарин, ҳудудий ва минтақавий аҳамиятга эга экологик масалалар ечимига халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларни жалб этиш, «Жамоатчилик назоратини амалга оши-

Экоҳаракат: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

дий ривожланиш режалари, лойиҳалари бажарилиши устидан экологик назоратни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштирокига оид ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Биз келгусида экологик қонунчиликни янада такомиллаштиришни кўзда тутаямиз. Бунда, аввало, қонун ижодкорлиги самардорлигини ошириш, қолаверса, тайёрланаётган қонунлар сифати, шунингдек, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини экспортлар, олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилишга эътибор қаратилади. Ўз навбатида, атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу билан бирга, соҳадаги давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш каби йўналишлар қамраб олинади. Шу мақсадда парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва экология соҳасидаги ишларнинг аҳоли бўйича ижро ҳоқимияти раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш сингари шаклландирган фойдаланиш самардорлигини оширишни назарда тутмоқдамиз. Экологик муаммоларга ечим топиш, экологик вазиятни соғломлаштириш ва экотизимларни сақлаш ишларида жамоатчилик иштирокини янада фаоллаштиришни режалаштираямиз. Бундан ташқари, давлат ва соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлашти-

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни янада такомиллаштириш, экологик қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормалари билан уйғунлаштириш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш кўзда тутилмоқда.

Назорат-тахлил фаолияти доирасида Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари груҳи қўйи палатадаги Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, бошқа тегишли қўмиталар билан биргаликда ҳамда Экоҳаракат фаоллари иштирокида мамлакатимиз барча ҳудуди, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 800 дан зиёд таҳлилий ҳамда амалий тадбирлар ташкил этишни режалаштираятир. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазасига доир Ҳаракат дастури ва тегишли ҳудудий дастурлар бўйича парламент ҳамда жамоатчилик эшитувини ўтказиш, «Экологик назорат тўғрисида»ги ҳамда соҳага оид бошқа қонунлар устидан депутатлик назоратини олиб бориш, 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш Давлат дастури, Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш Дастури ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилишини таҳлилдан ўтказиш ҳамда мониторинг қилиш ана шулар жумласидандир. Дунёнинг илгор давлат-

ришнинг ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва Европа давлатлари тажрибаси мавзисида халқаро конференцияни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юртимизда экология ва тиббиёт жаҳаҳасидаги ННТ, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари билан бўлиб ўтган ҳолда соҳага доир қатор тадбирлар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Фиримизча, иқтисодий ёт тармоқларни экологиянинг устувор жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тараққий этириш, атроф-муҳит мусаффолигини кафолатлашга ҳизмат қиладиган шарт-шароит яратиш, табиатдан фойдаланишнинг бошқариш тизимида самарали иқтисодий усуллари татбиқ этиш, экология фани нуфузини ошириш ва узлуксиз экологик таълим тизимини амалиётга жорий қилиш каби экологик ҳафсизлик ҳамда мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлашда муҳим бўлган йўналишларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу долзарб масалалар ечимига нафақат давлат, балки жамият, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси куч-ғайрати, саъй-ҳаракатларини эзгу йўлда бирлаштиришда айна мuddаодир.

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, **Сергей САМОЙЛОВ,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Хизматлар кўрсатишнинг янги шакли

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Бунинг учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу хизматлар кўрсатишнинг янги шакли — «Soliq» мобил иловаси ишлаб чиқилди. У эътиборли жиҳати бу давлат билан алоқа қилишда (смартфон ёки планшет) орқали кўрсатиладиган хизматлар самардорлиги, қулайлигини янада оширади.

Иловадаги хизматлар орасидаги «Текширишлар режа-жадвали»дан керакли маълумотларни олиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг СТИРини қиритиш қифофи. Шундан сўнг текшириш режалаштирилмаганлиги ёки ушбу субъект танланган йилнинг текширишлар режа-жадвалига киритилган бўлса, назорат қилувчи органларнинг рўйхати ва текшириш мuddатлари тўғрисидаги ҳабарнома қисқа вақт ичида олинади.

«Soliq» мобил иловасини ўрнатиш жуда осон. Мазкур илова «AppStore» ва «GooglePlay»да жойлаштирилган бўлиб, уни қўмитанинг расмий сайтидаги ҳавола орқали юклаб олиш мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Мижоз банк учун эмас, банк миждоз учун

Мустақиллик йилларида республикамизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал сўбатларда ривожланаёпти. Натижада ушбу соҳа ички бозорни юқори сифатли маҳсулот ҳамда хизматлар билан тўлдирди, аҳоли бандлигини таъминлашда катта роль ўйнамоқда.

Банк ва миждоз ўртасида шу йўсинда яқин ҳамкорлик ўрнатилгани ўз самарасини бермоқда. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмалари ҳажми 3 триллион 13,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 40,7 фоиз ошгани ана шундан далolat беради.

Йўналтирдик. Натижада туманимизнинг чекка ҳудудида яна битта замонавий корхона фаолият юрита бошлади. Айни пайтда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларга юқори сифатли полиэтилен қопчаларини арзон нархларда элтиб бераёғимиз. Бу эса миждозлар сафи кун сайин кенгайишига хизмат қилмоқда.

Шуни инобатга олиб, келгусида қўшимча линияларни ишга тушириш, янги иш ўринлари очилиши режалаштираёғимиз. Мазкур истиқболли лойиҳамиз ҳам «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиявий қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Аброр ҚУРБОНОВ, Каттақўрғон туманидаги «Қурбонов Аброр Аҳадович» хусусий корхонаси директори.



Тадбиркорлик ривожига йўналтирилган сармоялар

рузида алоҳида таъкидлаганидек, бултур тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бу аввалги йилдаги кўрсаткичга таққосланганда 39 фоиз кўпдир.

Ўз навбатида, иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш, экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш мақсадида 286,4 миллиард сўм миқдорда инвестиция кредитлари тақдим этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хўнара коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, оилавий бизнес ҳамда хўнарамандчиликни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик юритувчи субъектларига 51,3 миллиард сўмлик, касб-хўнара коллежлари битирувчиларининг бизнес фаолиятини йўлга қўйиш учун 14,7 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди.

импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар турини кўпайтиришда мустаҳкам асос бўлмоқда

Муваффақият калити қаерда?

Бундан 25 йил аввал кимдир «Кун келиб, қишлоғимизда замонавий корхоналар ишга туширилади ва рўзгоримиз учун зарур буюм ҳамда жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқарилади», деса, очиги, ҳеч ким ишонмасди. Чунки ўша даврда мулкдор бўлишни ҳатто тасаввурга сиғдириш мушкул эди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол бизга тадбиркор бўлиш, эмин-эркин ишлаш имконини берди. Айниқса, кичик бизнес ҳаракатида кенг йўл очилгани Чодак қишлоғимизнинг ўзида ҳам санoат корхоналари тобора кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Мен ҳам ўтган йили «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Поп филиалидан ажратилган 60 миллион сўмлик кредит эвазига зарур асбоб-ускуналар сотиб олиб, мебель ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга эришдим.

Кичик корхонамизда тайёрланаётган стол-стуллар, ошхона ва ётоқхонага мўлжалланган мебель тўпламлари,

ка ва технологияларсиз сифатли маҳсулот, айниқса, қурилиш материалларини ишлаб чиқариб бўлмайди. Шунинг учун йўлак қопламаларини тайёрлаш бўйича тузган бизнес-режамизни молиялаштиришни сўраб, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Чимбой филиалига мурожаат қилдик. Лойиҳамиз банк

Банк жамоаси уни кўриб чиқиб, 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди.

Бу сармоядан унумли фойдаланиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Айни пайтда улар туманимиз аҳолисига етказилмоқда. Бу юмушни эса касб-

ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириб, гўштни қайта ишлашга киришдик. Бунинг учун «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Яккабoғ филиали томонидан берилган 50 миллион сўмлик кредитдан мақсадли фойдаландик. Корхонамизда тайёрланаётган мазали колбасаларнинг сифати юқорилиги боис уларга талаб ҳам тобора ортмоқда.

Бугунги кунда маҳсулотларимиз, асосан, туманимиз аҳолисига тортиқ этилаётган бўлса, келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, бошқа вилоятларга ҳам маҳсулот етказиб бериш ниятидамиз.

Самариддин УСМОНОВ, Яккабoғ туманидаги «Хўсroр кўрки» хусусий корхонаси раҳбари.

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Бизнинг корхонамиз 2002 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўшандан буён аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун юқори малакали шифокорлар — терапевт, ЛОР, акушер-гинекологлар жалб этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан тақдим қилинаётган имтиёзли кредитлар моддий-техника базамизни мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини бераётди. Масалан, унинг Фазалкент филиалидан ажратилган 100 миллион сўмлик сармоя ҳисобидан замонавий тиббиёт ускуналари сотиб олинди. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, хизматлар кўлами кенгайтирилди.

Муҳими, кичик шифо мақсатини беморларга аниқ ташخيص қилиш учун барча шарт-шарoит мавжуд. Қон таркибини таҳлил қилиш ва бошқа турдаги таҳлислар учун эса тиббий лабораториямиз ишлаб турибди.

Бундан кейин ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида доимо изланиб, даволашнинг янги усулларини қўллаб-қувватлаш. Энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозларни харид қилишга келсак, бу борада молиявий мададкоримиз — «Қишлоқ қурилиш банк» бор!

Раҳшон МИРЗАҲМЕДОВ, Бўстонлик туманидаги «Sintez media» хусусий корхонаси директори.

Ўзарo ишонч — ютуқлар асоси

Банк ва миждоз ҳамкорлиги ўзарo ишончга асосланади. Томонлар ўртасида ана шу туйғу қарор топсагина, ишда унум бўлади. Шу маънода, «Қишлоқ қурилиш банк» бизнинг ишончимизни тўла қозонган молия муассасасидир. Унинг Тошкент вилояти минтақавий филиали хизматларидан 2013 йилдан буён фойдаланиб келаёғимиз.

Бир мисол. Корхонамиз фаолиятини кенгайтириш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқиб, уни молиялаштиришни сўраб банкка мурожаат қилган эдик. Хўжжатларимиз атрофлича ўрганилгач, 350 миллион сўм миқдорда кредит берилди. Ушбу маблағ ҳисобидан зарур хом ашё сотиб олдик ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширдик. Натижада ишчилар сони 10 нафарга етди.

Келгусида бизнесимизни янада ривожлантириш ниятидамиз. Ўртимизда ишбилармонларга кўрсатилаётган ҳамғўрлик, тақдим этилаётган имтиёзли молиявий хизматлар шунга ундамоқда. Бу борада ҳам банкнинг молиявий мададига таянамиз, албатта.

Фаррух НАСИМОВ, «So'g'onchi» МЧЖ раҳбари. Тошкент вилояти

Банк хизматларидан мамнунмиз

Ёшлигимдан дурадгорликка қизиққаным боис 2008 йилда маслакдошларим билан биргаликда шу соҳага ихтисослаштирилган кичик корхонани ишга туширдик.

Ўша пайтда бир неча хил маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда ўнлаб турдаги мебель жиҳозлари ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.


Маҳсулотимизга талаб ортиб, буюртмалар кўпайиб бораётгани фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо қилди. Аммо хом ашё сотиб олиш учун маблағ етишмаётган эди. Шунда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хоразм минтақавий филиали томонидан 120 миллион сўмлик кредит ажратилгани катта мадад бўлди. Натижада қўшимча 3 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ошди.

Бугунги кунда бозорда ўз ўрнимизга эгамиз. Буюртмачиларга йилга 320 миллион сўмлик мебель жиҳозлари етказиб бераёғимиз. Бунинг учун яқин ҳамкоримиз — «Қишлоқ қурилиш банк» жамоасидан миннатдормиз.

Тоҳир ОТАЖАНОВ, Урганч шаҳридаги «Санд Исо» хусусий корхонаси директори.

Бизнинг шарҳ

Кейинги йилларда юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада янги уфқларни очиб берди. «Қишлоқ қурилиш банк» эса мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида соҳага йўналтирилаётган сармояларни муттасил равишда кўпайтираётди. Пировавдада жойларда ҳар йили қўллаб-янгиланган корхоналар бунёд этилиб, мавжудлари тубдан модернизация қилинмоқда.



Энди ўзимизда ҳам тайёрланмоқда

Илгари туманимизга кундалик ҳаётимизда жуда кўп ишлатиладиган полиэтилен қопчалари четдан келтирилар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Сабаби, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Каттақўрғон филиали томонидан бизга 100 миллион сўмлик молиявий кўмак кўрсатилгач, ана шундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кредит маблағини илгор ускуналар сотиб олишга

юмшоқ ҳамда болалар мебеллариغا талаб ниҳоятда катта. Улар шартнома асосида аҳоли ва ташкилотларга етказиб берилаёпти.

Маҳсулотларимизга эҳтиёж ортиб бораётгани тўғрисида келгусида мебелларнинг янги тўпламларини ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз. Бунда, шубҳасиз, яна банкнинг молиявий мададига суянамиз.

Нухибилло АБДУРАҲИМОВ, хусусий тадбиркор. Наманган вилояти

Ярим йилда — 57 миллион сўмлик маҳсулот

Бугунги кунда юртимизнинг маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бозорига рақобат ниҳоятда кучли. Бу кичик бизнес ривож учун барча шарт-шароит муҳайё қилингани шарофатидир. Биз ҳам шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, 2014 йилда тадбиркорлик фаолиятига қўл урдик. Сир эмас, замонавий техни-

томонидан мақуullanгач, 40 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Ушбу маблағни илгор ускуналар ҳамда хом ашё харидига сарфладим.

Хозирги кунда корхонамизда 6 киши доимий иш билан банд. Уларнинг гаймат-шижоати тўғрисида яқин йилнинг иккинчи ярмида 57 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди. Унинг маълум қисмини фаолиятимизни янада ривожлантиришга йўналтираёғимиз. Бунинг учун бизга қандайдир кўмак берган банк жамоасига раҳмат.

Коблан ЖАМУРАТОВ, Чимбой туманидаги «Джамуратов Коблан» хусусий корхонаси раҳбари.

Зиммадаги масъулият

Президентимиз ҳар гал қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашганда, заминимизда етиштирилган маҳсулотларни ўзимизда чуқур қайта ишлаш, айниқса, чекка туман ва қишлоқларда замонавий кичик новвойхоналар қуриш, аҳолига сифатли нон ҳамда нон маҳсулотлари етказиш ҳажмини кўпайтириш масаласига алоҳида тўхталиб, аниқ кўрсатма ва йўл-йўриқлар беради. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўтган йили бизнес-режа тузиб, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Ҳоққа филиалига тақдим этдик.

хўнара коллежларини тамомлашга 6 нафар йигит-қиз қойилмак оуддалаяпти.

Давлатимиз раҳбари тақлифи билан мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзолаш йили деб эълон қилинганлиги бизнинг зиммамизга янги вазифаларни юкляди. Зотан, аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадини ошириш, нуруний кишиларга муносиб ҳаёт кечирishi учун қўлай шарт-шароитларни яратиб бериш тадбиркорларга ҳам катта масъулият юкляди. Шу боис жорий йилда қўллаб-қувватлаш истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб, юртимиз таракқиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўишни олдимизга пировавд мақсад қилиб қўйдик.

Шавкат ЖУМАНИЁЗОВ, Ҳонқа туманидаги «Шавкат Кларo» хусусий корхонаси раҳбари.

Буюртмачиларимиз сафи кенгайди

Ташаббус қўллаб-қувватланган жойдагина иқтисодий юксалиш юз беради. Бунинг исботи сифатида юртимиз тадбиркорлари эришаётган ютуқларни айтиш қиёфo. Чунки бугунги кунга келиб, барча соҳада кичик бизнес субъектлари фаол иштирок этмоқда. Масалан, бизнинг корхонамиз озиқ-овқат маҳсулотлари

Хизматлар лицензияланган.

Билимли, жисмонан етук ва фидойи

Миллий армиямиз сафларига ана шундай ўғлонлар жалб этилмоқда.

Бугун Миллий армиямиз сафларида мустақиллик йилларида туғилиб-ўсган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда замонавий билимларни пухта эгаллаган энг сара йигитлар хизмат қилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши биладиган, энг муҳими, ўзининг мустақил фикри ва дунёқарашига эга бўлган бу ёшлар она-юрт сарҳадлари дахл-сизлигини таъминлаш, тинч ва оқойишта ҳаётимизни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшишапти.

МАРДЛАР КЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирувчи хамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойларда мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирувчи давом этмоқда. Тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва билим даражаси бўйича тест синовлари каби танловлардан муваффақиятли ўтган йигитлар армияга тантанали равишда кузатилапти.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар хамда қақирлувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари хамда ота-оналар Ватанга хизмат ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи экани ҳақида сўз юритиб, мuddатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитларга бу йўлда муваффақият тиладилар.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тизимга қаратилган катта эътибор тўғрисида йилларда пойтахт

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЛАНИШ

Илм-фан ютуқлари — жамият ва давлат тараққийетининг муҳим асоси. Зеро, барча соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш юқори ўсиш сурьатларини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис мамлакатимизда турли йўналишларда илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи олимлар, хусусан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда Президентимиз томонидан 2011 йилнинг май ойида имзоланган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тўбдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса,



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

муҳим дастуриламал бўлаётди. Самарқанд давлат университетида ҳам мазкур

қарор ижроси доирасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида муассасада талаба-ёшларнинг пухта билим эгаллаши хамда турли йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб боришлари учун кулай шарт-шароитлар яратилапти.

11 факультет, 62 та кафедра хамда илмий лабораторияларда фаолият юритаётган 700 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи, жумла-

либ, амалиётга жорий қилинган, 160 га яқин патент ва муаллифлик гувоҳномалари олинди. АҚШ, Европа, Осиё мамлакатлари илмий марказлари, халқаро ташкилотлар хамда олий ўқув юртли билан алоқалар кўлами кенгайтириляпти.

Ҳозир улар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга ошириляпти, университет моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, янги ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланаётгани эътиборга моликдир.

Айтиш жоизки, заманимиз ноёб хом ашё хамда нодир маъданларга бой. Хусусан, Ўзбекистон уран захиралари бўйича дунёдаги ўнта мамлакат қато-

ридан жой олган. Бу эса мавжуд табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, шу орқали иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, мазкур соҳада етук ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни хулосалар асосида 2013 йилдан лойиҳада кўзда тутилган асбоб-ускуналар дунёнинг турли мамлакатларидан буюртма асосида келтирила бошланди. Ҳозир улар ёрдамида илмий тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида олиб бориб, етук мутахассислар тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур халқаро грант шарофати билан 2013/2014 йилларда кафедрамизнинг ўнга яқин ёш ўқитувчи ва илмий ходимлари Англия, Финляндия, Хорватия каби мамлакатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларида малака ошириб қайтишди.

Айни пайтда Самарқанд давлат университетида замонавий шарт-шароитлар асосида олиб борилятган илмий тадқиқот ишлари изчил давом эттириляпти. Ҳадемай, бу ерга ядро физикаси йўналишида энг сўнгги русумдаги қатор асбоб-ускуналар келтирилиши билан бундай муваффақиятлар кўлами янада кенгайтириляпти, шубҳасиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзиллийбанк» процессинг марказини PCI DSS стандартига мувофиқлигини текшириш юзасидан дастлабки ва сертификация аудитини амалга оширувчи QSA компанияни аниқлаш юзасидан очик танлов эълон қилади.

Қизиқиб билдирган хизмат кўрсатувчи QSA компанияларини танловда қатнашиш учун буюртманомаларини 2015 йил 24 февраль соат 17.00 гача куйдаги манзилга тақдим этишларини сўраймиз: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Пул муомаласи департаменти. Телефонлар: (0-371) 234-02-61, 235-56-66. Факс: (0-371) 235-09-22. E-mail: NHalikova@central.nbu.com

Буюртманома шаклини олиш ва танлов шартлари билан танишиш учун юқоридаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

Алоқада бўлувчи шахслар — Халикова Хуршида Талатовна, Максимов Алексей Юрьевич.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилган аукцион савдоларида таққил этади.

- 2015 йил 12 март куни соат 11.00 да ўтказилган очик аукцион савдосига куйдаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:
 - Шеробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 24 декабрдаги 2-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани ИИБда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» DLX BO» русумли, давлат рақами 75 T 413 CA.
 - Бошланғич баҳоси — 18 900 000 сўм.
 - ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 21 майдаги 1-08-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган «M-412» русумли, давлат рақами 75 Z 847 AA.
 - Бошланғич баҳоси — 960 000 сўм.
 - Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 23 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани ИИБда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 Z 721 EA.
 - Бошланғич баҳоси — 31 350 000 сўм.
 - Бойсун тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 10 октябрдаги 1-81-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «АГБ СПГ M-412» русумли, давлат рақами 19 L 27 98.
 - Бошланғич баҳоси — 972 000 сўм.
 - Қизилқум тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 8 августдаги 02-50-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилқум тумани ИИБда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 A 746 AA.
 - Бошланғич баҳоси — 12 445 000 сўм.
 - 2015 йил 25 февраль куни соат 11.00 да ўтказилган очик аукцион савдосига куйдаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:
 - Термиз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2013 йил 11 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 L 292 CA.
 - Бошланғич баҳоси — 28 880 000 сўм.
 - ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2013 йил 14 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 U 814 CA.
 - Бошланғич баҳоси — 18 088 000 сўм.

- Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 24 июндаги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани ИИБда сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-53212» русумли, давлат рақами 40 N 820 EA.
- Бошланғич баҳоси — 16 362 000 сўм.
- ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 75 F 936 DA.
- Бошланғич баҳоси — 2 907 486 сўм.
- Узун тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Ҳўжалик судининг 2014 йил 29 июлдаги 19-1404/8206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЖИБ Узун тумани суди ҳовлисиде сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas STD 150» русумли, давлат рақами 75 497 САА.
- Бошланғич баҳоси — 25 308 503 сўм.
- Сурхондарё вилояти Ҳўжалик судининг 2014 йил 21 октябрдаги 19-1301/2471-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЖИБ Узун тумани суди ҳовлисиде сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz Best» русумли, давлат рақами 75 P 063 CA.
- Бошланғич баҳоси — 18 838 507 сўм.
- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 июндаги 1-197-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани ИИБда сақланаётган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21013» русумли, давлат рақами 75 U 498 DA.
- Бошланғич баҳоси — 4 268 700 сўм.
- Қумқўрган тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрган тумани ИИБ ИХХБда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 N 849 DA.
- Бошланғич баҳоси — 7 277 412 сўм.
- ЖИБ Бойсун тумани судининг 2014 йил 11 июлдаги 1-88-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 L 162 DA.
- Бошланғич баҳоси — 3 960 000 сўм.
- Қизилқум тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 9 апрелдаги 1-107-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилқум тумани ИИБда сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 Z 016 BA.
- Бошланғич баҳоси — 16 183 800 сўм.
- ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2014 йил 21 июлдаги 20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford transit» русумли, давлат рақами 75 E 498 СА.
- Бошланғич баҳоси — 8 946 000 сўм.
- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 26 апрелдаги 1-565-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti BDC» русумли, давлат рақами 75 068 JAA.
- Бошланғич баҳоси — 29 451 000 сўм.

- Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 26 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани ИИБда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 Z 720 DA.
- Бошланғич баҳоси — 16 245 000 сўм.
- ЖИБ Шеробод туманлараро судининг 2014 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 910 ВАА.
- Бошланғич баҳоси — 17 954 939 сўм.
- ЖИБ Бўҳоро вилояти судининг 2012 йил 20 ноябрдаги 2-48-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани МТП АЖДА сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «МТЗ-80Х» русумли трактор, давлат рақамисиз.
- Бошланғич баҳоси — 5 660 786 сўм.
- Сариосиё тумани СИБ томонидан ЖИБ Денов тумани судининг 2009 йил 21 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани «Қишлоқхўжаликмиё» АЖДА сақланаётган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2103» русумли, давлат рақами 19 M 3775.
- Бошланғич баҳоси — 5 821 602 сўм.
- Мазкур автотранспорт воситалари 2015 йил 25 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 12 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушиқ вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувиға асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 2020800204932168018 ҳисоб рақамиға тўлашлари ва куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иштирок қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.
- Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+998 91) 577-03-00. Гувоҳнома № 004059.

«Қибрай» клиник санаторийси
 юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг ялғор усуллари асосида емлорни даволайди.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жақуи ванналари, фитобочка, инфракизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сихатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўлаб кулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва машиий электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатиғача бориш мумкин. Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ
 бог қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга хамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, кулай ва камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисиде ишлайди.

Махсулот сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўч., 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотарий идора). Маълумот учун тел.: (+99894) 160-27-24, (+99890) 920-29-74, (+99894) 613-79-18, (0-371) 234-42-17.

WWW.SEMENA.UZ

Ўзбекистон Бадий академияси хамда Бадий иждокорлар уюшмаси жамоалари Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рессоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳайкалтарош Жалолдин Турсунвич МИРТАДЖИЕВИННинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

WWW.XS.UZ АБАДИЯТ ГУЛШАНИ: Буюк новатор Навоийнинг достонлари, рубоий ва эпиграммаларида тараннум толган озод руҳга Гёте бутун шодлигини бахшида этган бўлур эди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди хамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
 Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов.
 Баспахона — Ш. Махраббоев.